O'ZBEKISTON
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 16 октябрь, №223 (3051) Чоршанба


# БУНЁДКОРЛИК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ – ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 октябрь кунлари жойларда ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлди.*

Юксак маънавият инсонни улуғлайди, халқни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларироқ фаолиятимиз учун дастуриламал бўлган бу ҳақиқат бугунги кунда тўла рўёбга чиқмоқда. Бой миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, улуғ аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг буюк меросини ўрганиш борасидаги эзгу амалларимиз ўз самарасини бермоқда.

Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг ўз сафарини Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари каби буюк зотларнинг ёдгорликларини зиёрат этишдан бошлагани замирида ҳам ана шундай боқий қадриятларимизга бўлган юксак эҳтиром мужассамдир.

Ул зотларнинг халқпарварлик руҳидаги амаллари ва инсонни комилликка чорловчи ўгитларининг тарбиявий аҳамияти бугунги кунда ҳам беқиёсдир. Нақшбандия тариқати асосчиси бўлган ватандошларимизнинг "Даст ба кору дил ба ёр" ("Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин") деган ҳикматли сўзлари аҳли инсонни диёнатга ва ҳалол меҳнатга даъват этади.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланган ва ул зотнинг қаровсиз, хароба бўлиб ётган қадамжоси таъмирланиб, катта ободончилик ишлари амалга оширилган эди.

Бироқ, Президентимиз сафар чоғида таъкидлаганидек, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлигини янада обод қилиш, тубдан таъмирлаш ва кенгайтириш зарур.

Сўнгги йилларда ўз қўлимиз, ўз салоҳиятимиз билан обод этилган Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий ҳазратларининг мақбаралари бугунги кунда бутун дунё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳларига айланди. Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг ёдгорликларини ҳам ўшандай юксак даражада таъмирлаш ва ободонлаштириш зарур, деди Президентимиз.

Келгуси йили Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ғиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Албатта, бу ишларнинг марказида Хожаи Калон шарафига сазовор бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуи туради. Зиёрат чоғида Ислом Каримов бу қадамжони ҳам обод қилиш, ҳазратнинг қабри ёнида Мирзо Улуғбек бунёд этган масжид-мадрасани таъмирлаш ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, ҳазрат ва ул зотнинг онаси осойиш топган жой (бу икки қабр ёнма-ён) атрофини ободонлаштириш борасида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди. Бундай муқаддас қадамжоларни обод қилиш фуқароларимизнинг кўнглини янада равшан этади, деди давлатимиз раҳбари.

Ислом Каримов ҳар икки зиёратгоҳни обод қилиш борасида махсус комиссия тузиш ва унинг таркибига уламолар, олимлар ва мутахассисларни киритиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бундай муқаддас қадамжоларнинг диний, меъморий, тарихий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай зиёратгоҳларни ободонлаштириш муқаддас динимизга бўлган покиза эътиқодимизни янада мустаҳкамлаш билан бирга, юксак тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, эзгу ва савоб ишлар пок, иймонли авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса қўшади.

Бу йил дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи кенг нишонланади. Юбилей муносабати билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ислом Каримов қадим Кешнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонида бўлди.

Давлатимиз раҳбари буюк соҳибқирон маданият, маърифат, бунёдкорликка алоҳида эътибор бергани, ҳар ишда етти ўлчаб, бир кесиб қарор чиқарганини қайд этар экан, унинг фаолиятини ҳар бир юртдошимиз теран ўрганиши зарурлигини таъкидлади.

Ислом Каримов шаҳардаги Дорутиловат ёдгорлик мажмуида Шайх Шамсиддин Кулол, Доруссаодат ёдгорлик мажмуида Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини зиёрат қилди. Ривоят қилишларича, саркарда бобомиз Жаҳонгир Мирзо мақбараси қурилишини охирига етказмай тўхтатган. Ниҳоясига етмаган гумбаз ёш шаҳзода умрининг бевақт хазон бўлганини эслатиб туриши керак эди.

Президентимизнинг меҳнат аҳли билан қурган самимий суҳбатларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Қаршида бунёд этилган ажойиб хиёбон олдида ҳам шундай мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари одамларнинг кундалик турмуши, яшаш шароити, муаммолари билан қизиқди.

Қашқадарё вилоятида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилияпти, деди Ислом Каримов. Бундан кўнглимиз ўсиши турган гап. Бироқ катта элнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бўлади. Бу муаммоларни биз биргаликда, албатта, ечамиз. Энг асосийси, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Ислом Каримов Қарши туманидаги "Бешкент" элита уруғчилик хўжалигининг Содиқ Мирзаев бошчилик қилаётган оилавий пудратчилар бригадаси даласида бўлди.

26 гектар ерда деҳқончилик қилаётган оилавий пудратчилар пахтадан юқори ҳосил кўтарди. Ҳозирнинг ўзидаёқ олинган соф фойда 7,5 миллион сўмдан ошди.

Президентимиз мулоқот чоғида пудратчилар ва хўжалик ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шартнома мукаммаллиги ҳар икки томоннинг жавобгарлигини таъминлаши даркор. Агар шартнома хўжаликнинг айби билан бузилса, у пудратчи кўрган зарарни тўла қопласин, аксинча бўлса, пудратчи хўжаликнинг камомадини тўласин.

Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номидаги ширкат хўжалиги даласидаги суҳбатда Президентимиз пахта навини тола сифатига қараб танлаш зарурлигига эътибор қаратди. Кейинги йилдан бошлаб мамлакатимизда хўжаликлар билан толага қараб ҳисоб-китоб қилиш механизмини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон дунё бозорига пахта толасини чиқаради. Ҳисоб-китобнинг янги механизми йўлга қўйилгач, хўжаликлар кўпроқ тола берадиган навларни экишдан манфаатдор бўлиши табиий. Бу эса мамлакатимизнинг пахта толаси экспортидан оладиган даромадини янада оширади.

"Жейнов" мамлакатимиздаги машҳур ширкат хўжаликларидан. Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов раҳбарлик қилаётган бу хўжаликда амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовор. «Жейнов»ликлар 2002 йилда 1 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни режалаштирган. Соф фойда эса 400 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда. Жорий йилда хўжалик 162 миллион сўмлик техника – ҳайдов ва чопиқ тракторлари харид қилди. Лизинг асосида 5 та "Кейс" пахта териш машинаси олинди.

Хўжаликда ҳар йили 70 миллион сўмгача маблағ қурилиш ишларига сарфланмоқда. Айни пайтда муҳташам коллеж биноси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Келгуси йили хўжалик фақат йўл қуриш, таъмирлаш, асфальтлаш ишларининг ўзигагина 50 миллион сўм маблағ ажратишни режалаштирган.

"Жейнов" ширкат хўжалигига ташриф чоғида Президентимиз пайчилар билан ҳисоб-китоб масалаларига алоҳида тўхталди.

Кўпчилик хўжаликларимизни ширкатларга айлантирганимиз билан колхозлар давридагидек иш юритиш ҳоллари учраб турибди, деди Ислом Каримов. Яъни пайчиларга пай пулини бериш қониқарсиз аҳволда. Бундай шароитда пайчиларнинг ишга иштиёқи сусайиши табиий. Бу эса, ўз навбатида, пировард натижага – кўзланган режаларни бажаришга монелик қилади.

"Жейнов"да бу борадаги ишлар ибратли. Бу йил олинган даромаддан пайчиларга 45 миллион сўм, яъни ўтган йилдагидан икки баробар кўп пай пули бериш кўзда тутиляпти. Президентимиз хўжаликда бу борада тўпланган тажрибани оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов шу куни Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги "Бегойим", Хўжам Низаматов ва Пайариқ туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжаликларида бўлди.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда мамлакатимиз раҳбари жойларда ерга ва мулкка муносабат ўзгариб, тадбиркорлик кўникмалари қарор топиши қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги «Суғдиёна» мавзеида барпо этилган замонавий истироҳат боғини бориб кўрди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида фаоллар билан йиғилиш ўтказди. Унда вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни муҳокама қилинди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

**(ЎзА).**



**СУРАТДА:** ***ташриф пайтидан лавҳа.***

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Буюк Британия пойтахти – Лондон шаҳрида жойлашган муҳташам "Ҳай Вайкомб" спорт мажмуи ўз бағрига ўзбек курашига қизиқувчи ёшлар ва уларнинг мухлисларини чорлади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Кураш халқаро ассоциацияси Фахрий Президенти Ислом Каримов номи билан аталувчи анъанавий халқаро турнир учинчи марта ташкил қилинди.*

## ЛОНДОНДА ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Ҳам ёшлар, ҳам катталар ўртасидаги беллашувларда Британия Қироллиги тасаррфидаги давлатлар ва кураш ватани – Ўзбекистондан полвонлар иштирок этди. Ўғил болалар беш, қизлар эса тўрт вазн тоифасида гиламга чиқди. Кураш оламидаги янги номларни кашф қилиб берган мазкур мусобақанинг, айниқса, мутлақ вазн тоифасидаги баҳслари қизиқарли кечди. Унинг финал беллашувида ўзбекистонлик икки полвон – яқиндагина кураш жозибасини Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида кўргазмали чиқишлар орқали намойиш этган Иброҳим Каримов ва Илҳом Шералиев ўзаро учрашди. Унда Иброҳим полвоннинг қўли баланд келди.

Буюк Британия Кураш федерацияси раҳбари Тим Томас ташаббуси ва ташкилотчилигида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган турнирда бу гал вазни 30-36 килограмм келадиган болалар ҳам ўзбекона яктак кийиб, куч синашгани эътиборга лойиқ. Бу Европа ёшларининг миллий спортимизга бўлган катта қизиқишидан дарак беради.

(Давоми 2-бетда).

## НАТО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

*Шу кунларда мамлакатимизда НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.*

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечаётгани, турли соҳада ўзаро яқин алоқалар ўрнатилгани таъкидланди. Ўзбекистоннинг НАТО ташаббуси билан ўтказилаётган турли тадбирлар, дастур ва лойиҳаларда фаол иштирок этаётгани бу фикрнинг яққол далилидир. Мамлакатимиз халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш борасида ҳам НАТО билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ташқи ишлар вазирлигида бўлган учрашувда мамлакатимиз билан Шимолий Атлантика Иттифоқи ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш, истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган дастур ва лойиҳалар ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳам бўлиб, мамлакатимиз мудофаа маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов билан музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

## Маҳалла ва экология

**Бугунги кунда экологик вазият жаҳон афкор оммасини ташвишга солаётган муаммолар сирасига киради. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган анжуман айнан ана шу мавзуга бағишланди.**

**"Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда маҳаллаларнинг ўрни" деб номланган ушбу анжуманда пойтахтимизнинг бугунги кундаги экологик аҳволи ва муаммолари ҳамда "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ҳақида ахборот берилди. Келгусида қилиниши лозим бўлган тадбирлар режаси белгилаб олинди.**

## Сўнгги хабарлар

### Қишлоқда янги корхона

Жалолқудуқ туманида қурилган Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси – "Заурак-Милл" маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Йилига 20 минг тонна олтингугурт тайёрлаш қувватига эга бўлган ушбу корхона фаолият кўрсата бошлагач, 28 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Эътиборли томони шундаки, корхона маҳсулотларининг эллик фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

### Деҳқонга мадад

Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган шу кунларда "Экосан" халқаро хайрия жамғармаси вакиллари пойтахт вилоятининг Янгийўл туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳузурида бўлдилар. Жамғарма томонидан пахтакорларга 500 минг сўмлик дори-дармонлар, дезинфекцияловчи воситалар совға қилинди.

*Тошкент аэропортида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси тантанали кутиб олинди.*

14th Asian Games BUSAN 2002

### Спортчиларимиз юзи ёруғ

– Пусанга жўнаб кетишдан олдин биз, боксчилар бешта олтин медални қўлга киритишни ният қилган эдик, – деди Осиё ўйинлари чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров. – Мана, орзуимиз ушалди, она-Ватанга ёруғ юз билан қайтдик. Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобида юқори ўринлардан бирини эгаллашига ҳиссамизни қўшганимиздан беҳад мамнунмиз.

29 сентябрдан 14 октябргача давом этган Осиё ўйинларида 214 нафар ҳамюртимиз спортнинг 24 тури бўйича қатнашди. Вакилларимиз 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза – жами 51 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида қирқдан зиёд мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, Ў.Исмоилов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**




### ВАТАНИМИЗ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Унда республикамизнинг 214 нафар вакили спортнинг 24 тури бўйича иштирок этди. Энг қувонарлиси шундаки, бу улкан спорт анжуманида юртдошларимиздан 15 нафари олтин медаль соҳиби бўлди. Яъни улар олис Шарқда Ўзбекистон байроғининг 15 марта энг юқори нуқтада ҳилпирашига эришиб, ўз Ватанлари шаънини муносиб даражада улуғладилар. Бу аслида оламшумул воқеадир! Шуни ҳисобга олиб, таҳририятимиз уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида мақола тайёрлашга қарор қилди. Биринчи мақола Ўзбекистон жамоаси ҳисобига илк олтин медални ҳадя этган Сергей Крушевский хусусида.

*Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг.* →



## Газетада босилмади, аммо...

### Вазифасидан озод қилинди

Бир гуруҳ ўқитувчилар ва ота-оналар Шўрчи туманидаги 43-мактаб директорининг ножўя ишлари тўғрисида «Халқ сўзи»га йўллаган шикоят хати Халқ таълими вазирлиги махсус гуруҳи томонидан жойида ўрганилди.

Текширув натижаларига кўра, ҳақиқатан ҳам, мактабда таълим-тарбия ишлари сусайтириб юборилгани, директор ўз дарсини мунтазам ўтмагани тасдиқланди. Шунга кўра, мактаб раҳбари Д.Бобонов Шўрчи туман халқ таълими бўлими мудирининг буйруғига асосан, директорлик вазифасидан озод этилди. Шикоят муаллифлари текшириш натижасидан қониқиш ҳосил қилганликларини ёзма равишда баён қилдилар.

**А.ЗОКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи.**

## Илмий-амалий конференция

Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, республика Конституциявий ҳамда Олий судлари ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг гарови» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конституциямизнинг ўн йиллиги олдидан ўтказилган бу анжуманда Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш кучи, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътибори негизида Асосий Қонунимиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар мужассамлиги, унда, айниқса, миллат менталитети тўла ўз аксини топганлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлган анжуман ишида республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазирлиги, Тошкент юридик институти вакиллари ва бошқа мутахассис-олимлар қатнашдилар.

## «Пахта-2002»

### Яна 700 тонна топширилади

Чортоқ тумани пахтакорлари ҳар йилгидек бу йил ҳам пахта тайёрлаш шартнома режасини Наманган вилоятида биринчи бўлиб уддаладилар. Қайта ишлаш корхоналарига 10 минг 60 тонна юқори сифатли саноат хомашёси етказиб берилди.

Тармоқда оилавий пудрат кенг жорий этилгани, чек усулида иш олиб борилганлиги, деҳқонлар меҳнатини рағбатлантириш яхши йўлга қўйилгани ана шу муваффақиятнинг омили бўлди. Мавжуд 1685 пудратчининг барчаси дастлабки довондан ошди. Хусусан, «Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимов, Шарифа Темирова, Ойгул Дадахўжаева, Зоҳида Қамбарова бошлиқ пудратчилар ҳар гектар ердан 65-75 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар.

Айни кунларда Чортоқ тумани далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Пахтакорлар давлатга яна 700 тонна «оқ олтин» топшириб, республика ва вилоят хирмонларига барака киритиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

**Қ.НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЛОНДОНДА ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лондонда Ислом Каримов турнири ўтаётган бир пайтда Кураш халқаро ассоциациясига GAISF (Халқаро спорт федерациялари бош ассоциацияси) қароргоҳи жойлашган Монте Карло шаҳридан ХКА президенти Комил Юсупов номига хат келди. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Жаноб К.Юсупов! Биз сизнинг ташкилотингиз фаолиятини мунтазам кузатиб келмоқдамиз. Кураш халқаро ассоциациясининг оламшумул ютуқларидан хабардормиз. Шунинг учун ҳам КХА GAISFнинг муносиб аъзоларидан бири бўлиши учун Сизни 2002 йилнинг 22 октябрь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтадиган ассамблея йиғилишига таклиф этамиз”.

Таъкидлаш жоизки, GAISF — Халқаро олимпия қўмитасидан сўнг спорт оламидаги энг нуфузли ташкилот саналади. Дунёга чиққан янги спорт турларининг Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олишида GAISF томонидан бериладиган йўлланма муҳим ўрин тутади.

Демак, 1998 йил 6 сентябрь (КХА тузилди), 2002 йил 4 октябрь (кураш Осиё ўйинлари таркибига киритилди) каби муҳим саналар қаторидан 22 октябрь ҳам ўрин олади — кураш GAISFга аъзо бўлади. Олдинда эса янги манзил, янги довон — Олимпиада чорламоқда.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# Замонавий ахборот технологиялари — тараққиёт омили

Алоқа ва ахборот технологиялари жабҳасини ривожлантириш мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг бош омилларидан биридир. Шу боис мазкур соҳа ташкилотларининг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2002 — 2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ижросини изчиллик билан таъминлашга қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари мажмуи мажлисида ана шу ҳақда сўз юритилди. Мазкур соҳада ислоҳотларнинг бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик натижаларини баҳолашга бағишланган мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов бошқарди.

Мамлакатимизда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, улардан кенг фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга тобора ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда унинг ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳисобот даврида зикр этилган ҳужжатларга мувофиқ, аввало, маълумот узатиш тармоқлари оператор ва провайдерларига мақсадли имтиёзлар берилди. Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилди. Алоқа соҳаси корхоналари томонидан 84,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди, бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 131 фоизни ташкил этди. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва экспорт ҳажми кўрсаткичлари ортди.

Мажлисда эришилган ютуқлар қайд этилиши билан бирга, жойларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**

# Маслаҳатли тўй тарқамас

**Ғиждувон туманида “Барака” фуқаролар йиғини ташкил топди. Гап шундаки, туманнинг чўл ҳудудида жойлашган “Меҳнатобод” ва “Ғиждувон” ширкат хўжаликлари аҳолиси мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, тўй ва маъракаларни исрофгарчиликларсиз ўтказиш мақсадида бирлашишга қарор қилдилар. Шу боис ҳам икки хўжалик ҳудудида “Барака” фуқаролар йиғини тузилди.**

Тўртинчи ҳокимият: сўзда эмас, амалда

# ДЕМОКРАТЛАШАЁТГАН МЕНТАЛИТЕТ

*Жамиятнинг яхлитлигини, бир бутунлигини таъмин этувчи бош омил — миллат, миллий манфаат, диний эътиқод. ватанпарварлик, фидойилик, садоқат сингари юксак тушунчаларнинг ҳам сира охори тўкилмайди, яъни улар ҳамиша тилнинг учида, дилнинг тўрида ардоқлаб келинади. Фавқулодда ҳолатларда шулар каби боқий туйғуларга у ёки бу даражада зиён-заҳмат етса-етар, лекин ҳеч бир ёвуз куч уларни буткул йўқотиб юборолмайди. Айни чоғда ҳаёт кун тартибига шундай долзарб мақсад-вазифаларни ҳам қўядики, жамият аъзоларининг жипслиги, монолитлиги айни шундай дамларда имтиҳондан, синовдан ўтади.*

Ўн бир йилдирки, мустақилликни мустаҳкамлаш манфаати халқимизни яктан-якдил этиб турибди. Шу билан бирга, ўтган давр мустақиллик жуда кенг, серқирра, серқатлам тушунча эканини ҳам кўрсатди. Демоқчиманки, Ватанимиз мустақил деган билан мурод ҳосил бўлиб қолавермас, бунинг учун тинимсиз курашиш, меҳнат қилиш, фикрлаш, қайғуриш шарт экан. Истиқлол йилларида кишиларимиз шуларга ҳам одатланишди. Фақат бу одатланиш баъзан жадал, баъзан суст кечмоқда. Давр ўзгаришларини бошқалардан илгарироқ пайқаб, шунга яраша отини қамчилаганлар анчабунча нарсага эришиб қўйди, фуқароларимиз орасида яхши маънодаги уддабуронлар синфи вужудга келди. Шўро даврида уларни “учарлар” дер эдик, ҳозир тадбиркор деб улуғлаяпмиз, юртимизнинг, халқимизнинг келажаги сизларнинг қўлингизда, деб уларга таҳсинлар ёғдиряпмиз.

Ҳаётдаги ўзгариш тушунчаларни, сўзларни ўзгартираётганига жонли мисол бу.

> ***Қонун йўл қўядиган, йўл қўймайдиган жиҳатларни яхши ўрганиб-ўзлаштириб, бирни - ўн, ўнни - юз қилаётганлар қандини урсин! Бу тоифадаги кишилар бошқалардан, катта-кичик идоралардан, ҳатто давлатдан ҳам кўмак кутиб ўтирмайдилар — ўзлари елиб-югурадилар, ўзлари яратадилар, ўзлари топадилар.***

Демократик жамиятнинг энг асосий имтиёз-имкониятларидан бири шу, яъни ҳар бир шахснинг потенциал ақл-идроки, лаёқати, уқуви, салоҳияти тўла-тўкис намоён бўлади. Мазкур жараён турмушнинг барча қатламларини кенгроқ қамраб олгани сайин “берсанг — ейман, урсанг — ўламан” қабилида яшайдиганлар камая боради. Кимдир иш тополмаса, қорни оч қолса, ўқишга киролмаса, хорижга чиқолмаса... уч қаватли кошона қуролмаса, хусусий “Мерседес” ҳайдолмаса, ўзгалардан, давлатдан эмас, ўзидан кўради. Табиий, бу жараён силлиққина кечмайди, ўзига яраша кутилган-кутилмаган муаммолар бижғиб ётади. Қизиғи шундаки, биз муаммони қанчалик хуш кўрмайлик, ҳаёт олдимизга кўндаланг қўяётган янгидан-янги муаммолар кишиларни толиқтирибгина қолмай, уларни тинимсиз янгилайди ҳам, яъни муаммолар бартараф этилгани сайин одамнинг ўзи ҳам янгиланади. Бижғиб ётган ва жамиятнинг соғломлашувига тўсқинлик қилаётган кўплаб муаммоларни бартараф этишнинг бирдан-бир чораси эса — демократияга асосланган ошкоралик!

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидан сўнг жамиятни эркинлаштириш мавзуси кун тартибидаги бош масалага айланди. Давлат раҳбарининг фавқулодда тарихий маърузаси мамлакат миқёсидаги демократиялашув жараёнларини ЯНАДА чуқурлаштиришнинг янги-янги йўналишларини белгилаб берди. “Янада” сўзини таъкидлаб ёзаётганимиз бежиз эмас. Зеро, жамиятни эркинлаштириш вазифаси биз учун мутлақо янгилик эмас! Ўн бир йилдирки, шу йўлда, шу мақсад-муддаода яшаяпмиз, қадамни жадаллаштириш чораларини излаяпмиз. Ўзбекистонда демократия йўқлигини “кашф” этиб, жонини жабборга берганлар нималар демади, нималарни ёзмади бу орада?! Шу ўринда улар билан баҳслашишнинг ўрни эмас, бунинг ҳожати ҳам қолмади, лекин Президент И.Каримов ҳар қандай ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганини ҳатто мухолифлар ҳам инкор этишмайди. Шу нуқтаи назардан, республикамиз Президенти жамиятда демократик қадриятларни қарор топтириш йўлида амалга ошираётган ўн бир йиллик сиёсатини **мувозанатни сақлашга қаратилган сиёсат,** десак янглишмаймиз.

Жамиятни ислоҳ қилиш, тараққий топтириш, шубҳасиз, улуғ вазифа, аммо-лекин бунга мувозанатни сақлаган ҳолда беталафот эришиш ўн ва юз карра улуғроқ, шарафлироқ бурчдир. Ўзбекистонда демократиялашув жараёнларининг суръатини баҳолаганда худди шу мезондан келиб чиқилса, холисликка путур етмайди, деб ўйлайман.

Эркинлашиш суръати ҳақида сўз борар экан, яна бир ўта муҳим омилни айтмай сира иложи йўқ. Бу — миллат ва халқ менталитети! Келинглар, очиқчасига савол қўяйлик: халқимиз менталитетида демократик қадриятлар нечоғлик катта ўринга эга?

“Ҳеч қанча ўринга эга эмас” десак, адолатдан бўлмас, албатта. Ер юзидаги барча бандалар Аллоҳнинг наздида тароқнинг тиши янглиғ тенг деган Ҳадиси шарифни демократияга замин яратувчи бемисл ҳикмат, дейиш мумкин. Ҳалол меҳнат эвазигагина ризқ-рўз топиш, ўзганинг ҳақ-ҳуқуқига кўз олайтирмаслик мазмунидаги ота-боболаримиз панд-насиҳатлари ҳам ҳар қандай демократ учун ҳам зарур ва бебаҳо фазилат ҳисобланади. Лекин замонавий маънодаги демократия — анчагина кенг, анчагина серқатлам тушунча.

> ***Демократия — бутун бир жамият ҳаётининг ботинию зоҳирини бошқариб, мувофиқлаштириб турувчи мукаммал тизим, силсиладир! Қонун асосида яшовчи, қонун асосида нафас олувчи, барча-барча катта-кичик юмушларини қонун бандларига кўра битиришга одатланган — қонуний яшаш миллий урф-одатга айланган жамиятдир!***

Ҳозирча бу даражага етиша олганимиз йўқ десак кимдан кўришимиз, кимдан ўпкалашимиз, кимдан хижолат чекишимиз керак?

Энг аввало, ўзимиздан!

Бунинг объектив сабаблари кўп. Чунончи, ҳуқуқий жамият қура бошлаганимизга эндигина 11 йил бўлди. Қонун нима эканини одамларимиз энди-энди кенгроқ тушуна бошлаяптилар. Тараққий этган мамлакатлардаги мавжуд қонунчилик тизимини энди-энди ўқиб-кўриб биляпмиз.

Субъектив сабаблардан ғоятда жиддийси — биз азал-азалдан қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, эътиқоддошлик ва турфа урф-одатлар асосида яшаганмиз. Бундай туйғулар суяк-суягимизга сингиб кетган.

Йўл-патрул хизмати (ЙПХ) ходими юрагини очиб қолди:

— Йўл қоидасини бузган нечта ҳайдовчини тўхтатиб, жазолашга киришсам, деярли ҳаммаси ўзбекчиликни, мусулмончиликни рўкач қилишга тушади. Шевамга эътибор қилса борми, бир зумда ҳамюртим-ҳамқишлоғимга айланиб қолади. Қонун, тартиб бузилгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ!..

Бордию, ЙПХ нозири иродаси бўш келмай, ҳайдовчининг гувоҳномасини тегишли идорага топшириб юборди, дейлик. Лоақал энди қонунга бўйсунамизми, гувоҳномани қонуний тартибда қайтариб олишга киришамизми?

Қаёқда! Энди нуфузи юқорироқ ҳамюртимизни, сўзи ўтадиганроқ ошна-оғайнимизни излаш пайига тушамиз!..

Фарзандимиз олий ўқув юртига кирмоқчими — таниш излаймиз, ишга жойлашмоқчими — қўнғироқ қилдирамиз, банкдан кредит оласизми — таниш-билиш бўлса мушкул осонлашади, касалхонага ётишга тўғри келдими — танишимизнинг танишидан нажот кутамиз. Солиқчига, прокурорга, милицияга ишингиз тушган бўлса-ку, ҳай-ҳай, асти қўяверасиз!

Мана шу — менталитет! Хўш, шундай қатор-қатор “фазилатларимиз” эвазига демократлашувимиз орқага сурилаётган экан, биринчи навбатда кимдан кўришимиз, кимдан ўпкалашимиз, кимдан хижолат чекишимиз тўғри бўлади?

Энг аввало, ўзимиздан!

Сессияда Юртбошимиз Ғарб кишиларига хос бўлган бир одатни — вояга етган ўғил-қизни оила қарамоғидан чиқариб юбориш билан биздаги фарзандларга қўшиб невара-чеварагача ота-она қаноти остидан узоқлаштирмаслик одатини қиёсладилар.

Ҳақиқатан, ўйлаб кўрадиган ҳолат. Дабдурустдан хулоса чиқариш, униси маъқул, буниси номақбул, дейиш ҳам қийин. Лекин, мисол учун, Буюк Британия, АҚШ ё Германияда оиладан учирма қилинган ўсмир йигит-қиз кўчада қаровсиз қолмайди, уни қонун ўз ҳимоясига олади! У ўзининг лаёқати, истеъдоди, қизиқишига яраша ўқийди, ишлайди, мартаба орттиради ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлайди.

Бизда-чи? Бизда ота-она паноҳидан узилган ўсмир қадамида қонунсизликка рўпара келади, бинобарин, у ҳамюртининг, эътиқоддошининг, амма-тоғасининг, таниш-билишнинг кўмагига муҳтожлик сезади. Булар ҳам иш бермаса...

Нима, бизда қонун йўқми?

Бор, лекин мавжуд қонунларга риоя этиш йўқ, бўлсаям, анчагина заиф.

Бу ҳам менталитет! Бу ҳам...

Мен менталитетимизни буткул қоралаб ташламоқчи эмасман, балки менталитетимизнинг демократлашуви анчагина мураккабликлар билан, анчагина қарама-қаршиликларни, зиддиятларни аста-секин енгиш эвазига кечаётгани хусусидаги мулоҳазаларни ўртоқлашаяпман, холос.

“Айни вақтда мустақиллик, — деди Президент, — биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни, БМТ Низоми талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди”. Демак, бундан кейинги ҳаёт ички қонунларга қўшиб халқаро ҳуқуқ ва меъёрларни ўзлаштиришни ҳам тақозо этади, менталитетимизни халқаро мажбуриятлар ҳисобига “тўйинтиришимиз” ҳам зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда демократия бор ё йўқлиги ҳақида гап қўзғаса, олис-яқин хорижга қулоқ тутамиз: у томонларда бизнинг шаънимизга нималар дейишаётган экан? Ва нимадандир иймангандек, тилимиз қисиқдек бўйнимизни эгамиз, суҳбатдошдан кўзимизни олиб қочамиз. Шундай ҳолатларга тушганда яна ва яна демократлашган жамият, сўз эркинлигига эришган оммавий ахборот воситалари тўғрисида ўйлаб кетасан, киши.

Ҳар бир онгли инсон комилликка интилади, лекин мутлақ комил шахс йўқ, бўлмайди ҳам. Майли, жамият тараққиётининг юксак чўққиларига эришишнинг бирдан-бир йўли демократия экан, шу вақтгача ҳеч ким қойиллатиб мутлақ идеал жамият қуриб қўя олмади-ку! Ҳатто тараққий этган давлатларда ҳам эркинлик берган самаралар қаторида айни эркинлик ва ҳурлик “ато этган” иллатлар ёнма-ён яшамоқда. Ундан қутилиш чораларини тополмай бошлар қотмоқда. Кўринадики, ҳурлик бебошликка айланган жойда жамиятнинг ҳам, унга қўшилиб одамларнинг ҳам тубанликка, разолатга юз тутиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, Ғарб бунчалар ошиқмаса, демократияни оламга ёймоққа?! Ҳаёт ва давр синовидан батамом ўтиб улгурмаган ақидаларини бошқаларга бунчалар жониқиб тиқиштирмаса?!

Баъзан хаёл қочади: демократия кимнингдир хаёл гирдобида туғилган утопия эмасми?.. Дин эмасмикан?.. Бутун дунёга қўл чўзишнинг устомонлик билан топилган ғоявий воситаси эмасми?..

“Демократия — мукаммал тизим эмас, лекин инсоният ҳозирча ундан мукаммалроғини топмади” деган кинояли , лекин чуқур ҳикматли гап ёдга тушади...

Ҳамонки, демократия тараққиёт ва адолатли тузумнинг тимсолига айланган экан, илғор ниятли инсоният эркин жамият қуриш орзуси билан яшамоқда. Ўзбекистон ҳам энг ривожланган давлатлар эришган андоза ва меъёрларни қўллаган ҳолда ўз йўлини, ўз услубини кашф этмоқда, шу йўлдан оғишмай бормоқда.

Мақоланинг бошланишида мувозанат, менталитет, урф-одат тўғрисида, уларнинг демократиялашув жараёнида мураккаб ўрин тутиши хусусида сўз юритдик. Мамлакатимиз раҳбари сессияда халқимизга хос уят, андиша, ҳаё ва фаҳм-фаросат сингари гўзал туйғулар демократик қадриятларнинг қарор топиши асносида унут бўлиб кетмаслиги зарурлигини эслатди. Бу каби тушунчаларни қонунга сингдириш мушкуллигини айтди.

Дарҳақиқат, уят, ҳаё, андиша эвазига эришилган демократиянинг кимга кераги бор?! Демократияни ўрнатиб қўйиб, уят, ҳаё ё андиша туйғусини излаб юрсак, келажак авлод вакилларимизга бу фазилатларни сингдира олмай бошимиз гангиб қолса, эркинлик татийдими?! Ҳурлик ёқадими?!

> ***Ҳа, бу сингари тушунча ва туйғуларни қонунга сингдириш ниҳоятда қийин, лекин йўлини топиш керак! Ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан қаловини топса бўлади! Бу улуғ орзу қонун яратувчиларимиз ва бошқа зиёлиларимизнигина эмас, балки бутун халқимизни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи ягона мақсадга айланмоғи керак. Дунё қонунчилигида оламшумул янгиликка айланган бўлур эди бу кашфиёт!..***

Президент маърузасида белгилаб берилган барча устувор йўналишларни бир-биридан ажратиб олган ҳолда тасаввур этиш қийин. Хусусан, тўртинчи, «энг муҳим устувор йўналиш» мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этади. Ҳақиқатан ҳам, қайси йўналишда, қандай устувор вазифалар белгиланмасин, бордию, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланмаган, сўз ва матбуот мустақиллиги йўлга қўйилмаган ҳамда ошкоралик ўрнатилмаган бўлса, пировард натижа йўқ деяверинг!

Жамиятнинг демократиялашгани оммавий ахборот воситаларида кўзгуда акс этганидек кўзга ташланади. Шу сабабдан ҳам, аксарият ҳолларда муайян давлат ҳаётининг эркинлашган ё эркинлашмаганига ўша мамлакатдаги ОАВ фаолиятидан келиб чиқиб баҳо берилади. Бунинг нотўғри жойи йўқ, албатта. Бироқ матбуотга сўз эркинлигини бериб қўйишнинг ўзи билан жамият эркинлашиб қолмайди (Демократик жамият қандай мураккаб тушунча эканлиги ҳақида юқорида қисман тўхталдик). Мисол тариқасида эсласак, Б. Ельцин даври Россия матбуоти эркинлик борасида дунёдаги унча-мунча демократик давлатларни ортда қолдириб кетди. Лекин ОАВдаги эркинлик, демократик тамойиллар жамиятнинг барча қатламларида кузатилмади. Бошқача айтганда, «Сиз, матбуотчиларнинг вазифангиз – сафсата сотиш, биз билганимиздан қолмаймиз» қабилида иш тутиш мамлакатда кенг тус олди. Ана шундай қийин ва машаққатли шароитларда ҳам сўз ва фикр эркинлиги йўлида курашиш журналистлар ва матбуот ходимлари учун бурч ва қисмат ҳисобланади. Жамиятнинг эркинлашуви журналист учунгина керак эмас, у жамиятнинг барча аъзолари учун ҳаётий зарурият! Журналист эса инсоннинг шахси-камоли учун, жамиятнинг равнақи учун демократия сув ва ҳаводек зарурлигини кўпроқ билади, бошқаларга қараганда чуқурроқ ҳис этади. Бошқа касб эгаларига нисбатан кўпроқ қувонади, шунга яраша кўпроқ қайғуради ҳам.

Журналист ўз касби табиатидан келиб чиқиб, жамият ўзгаришларининг олдинги сафида боришга мажбур. Бинобарин, у ҳушёрликни бой бермаслик учун ҳам тиним билмайди, оқни – қорадан, қорани — оқдан ажрата олиши, кенг омма дид-савиясидан ортда қолиб кетмаслиги, янаям муҳими, шу куннинг нафасини бутун вужуди билан ҳис этиб турмоғи ҳамда талаб даражасида ижод қилмоғи учун холислик, ошкоралик ва маҳорат талабларини уйғун ҳолда ўзида мужассам этишга уринади. Сўз ва фикр эркинлигини нечоғлик қадрламасин, буюк француз шоири Жорж Байрон айтмоқчи, бир томчи сиёҳ минглаб-миллионлаб кишиларнинг онг-шуурида тўфон ясаб юборишга қодирлигини ҳам унутмайди.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги кейинги ойларда соҳамизда юз бераётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, ўз тизими ходимлари ва бошқа ҳамкасблар иштирокида кўп кунлик ўқув анжуманини ташкил этди. Турли долзарб мавзуларда фикр алмашилди, баҳс-мунозаралар қизиди. Уларга қулоқ солиб ўтириб, бир савол кўнгилдан қайта-қайта кечди: бугунги кун журналистларимизнинг меҳнати оғирлашаяптими ёки енгиллашаяптими?

Енгиллашаяпти. Чунки ҳаётбахш қонунлар кучга киряпти, эмин-эркин ёзиш ҳуқуқи бериляпти.

Шу маънода оғирлашяптики, журналистнинг кечаги кунга қадар тўплаган маънавий, касбий мероси, тажрибаси энди қизғин фаолият юритиши учун жуда камлик қилади. Давр ҳамкасбларимиз олдига жуда жиддий ва ўта масъулиятли вазифаларни кўндаланг қўймоқда. У жамиятни ва кишиларимизни ҳуқуқий-демократик қадриятлар руҳида тарбияламоғи, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янги талаблар асосида шакллантирмоғи керак. Бунинг учун эса, аввало, ўзи шахс сифатида ушбу талаблар даражасида янгиланмоғи, яъни ўз менталитетини янги сифатий миқёсларга кўтармоғи шарт. Шундагина Президент сессиядаги маърузасида катта умид боғлаб айтган мавқедаги – «ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистлар»нинг кўплаб вакиллари етишиб чиқади.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.**

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Бу йил юртимиз боғлари ва полизларида мўл ҳосил етиштирилди. Улар ҳозир фақат халқимиз дастурхонини безабгина қолмай, балки хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда. “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси ҳар куни минглаб тонна сара маҳсулотни экспорт қилмоқда.

— Компаниямиз таркибига кирувчи корхоналар томонидан шу пайтга қадар қарийб 5 миллион АҚШ доллари қийматига тенг маҳсулот экспорт қилинди, — деди компаниянинг Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция бошқармаси бошлиғи Б.Саидов ЎзА мухбирига. — Четга асосан томат пастаси, турли хил шарбатлар, консерва, қуритилган мева, полиз ва сабзавот маҳсулотлари жўнатилаяпти.

Соҳада хориж инвестицияларини жалб этишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида бежирим, чиройли идишларда қадоқлашга, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот харидини мониторингини ўтказиш, айниқса, рекламани йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

**О.НОРБЕКОВ.**



# Чорва маҳсулдорлиги ошаяпти

**Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудида 1994 йилдан буён «Акмал» фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жамоа гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Бу ерда 135 бош қорамол парваришланаётир.**

**Шу кунга қадар фермер хўжалигида йиллик режадагидан кўп гўшт ва сут тайёрланди. Қишловни беталафот ўтказиш учун эса 26,6 гектар майдондаги маккажўхоридан белгиланганидан зиёд дон ва силос саранжомлаб қўйилди. Айни пайтда хўжалик аъзолари дағал хашак жамғармоқдалар. Уни ташишда ҳайдовчи Авазбек Аҳмедов жонкуярлик қилаяпти.**

**СУРАТДА:** ***фермер хўжалигининг ҳайдовчиси Авазбек Аҳмедов.***

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

# «Бийбозор»нинг бийи борми?..

*Кейинги йилларда «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш юритиш, назаримизда, «Бийбозор» ширкат хўжалиги раҳбарияти учун одат тусига кирди. Хўжаликнинг ола хуржуни деярли эгасиз қолди. Амалий ишига эмас, гапига илон пўст ташлайдиган раисларнинг айтгани-айтган бўлди. Улар деҳқонларнинг манфаатларини эмас, балки кўпроқ ўзларининг жиғилдонларини ўйлай бошладилар.*

*Оқибатда бир пайтлари пахта ҳосилдорлиги бўйича бутун Қорақалпоғистонда донг таратган, Меҳнат Қаҳрамонлари етишиб чиққан хўжаликда тасаввур қилиб бўлмайдиган қолоқлик вужудга келди.*

Уни ўнглашнинг йўли — кадрларни алмаштириш, деб ўйлаган тармоқ раҳбарлари эса уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда адашдилар. Гап шундаки, сўнгги йилларда раис 6 марта, бош агроном 4 марта ўзгартирилган бўлса-да, ишда силжиш бўлмади. Хусусан, шу ерда туғилиб ўсган, Тошкент халқ хўжалиги институтини тугаллаган, туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, туман ҳокимлигида етакчи мутахассис, «Беруниййдон» ва «Берунийтутиниу» ҳиссадорлик жамиятлари, «Олмазор» ва Беруний номидаги ширкат хўжаликларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган М.Йўлдошев 2000 йилда «Бийбозор»га раис этиб сайланган эди. Шу йили ҳар гектар ердан атиги 8 центнердан пахта хомашёси йиғиштириб олинди. Бир центнер пахта 4931 сўм 9 тийин ўрнига 14727 сўм 31 тийинга тушди. Биргина пахтачиликдан 113 миллион 381 минг сўм зарар кўрилди. Кейинги йилда ҳосилдорлик 6 центнерни ташкил этди. Зарар — қарийб 192 миллион сўм. Тўғри, сув тақчиллиги катта қийинчиликлар туғдирди. Аммо «Қаловини топса, қор ҳам ёнади», дейдилар. Тумандаги «Қиётобод» ширкат хўжалиги ўша йили режани ортиғи билан бажаргани бунинг тасдиғидир.

2001 йили ғалладан фойда кўрамиз, ўзимизни ўнглаб оламиз, деб умид қилган «Бийбозор»ликлар яна чучварани хом санашган экан: буғдой ҳосилдорлиги атиги 11 центнерга етди. Пировардида тармоқнинг ўзидан 13 миллион 283 минг сўм зарар кўрилди. Ширкат хўжалигининг ишловчилардан қарзи эса 29 миллион 913 минг сўмдан ортди.

Ниҳоят, жорий йилнинг кўкламида жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилиб, унинг низоми, бўлинмас ва пай жамғармалари, ер қиймати, ширкатчиларнинг мулк улуши белгиланди. Энди ердан, сувдан оқилона фойдаланиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали хўжаликнинг қаддини тиклаш учун кенг имкониятлар эшиги очилган эди. Аммо иш яна чаппасига кетди. Биз нималарни назарда тутаяпмиз?

Айни кунларда ширкат хўжалиги далаларини айлансангиз, тепа сочингиз тикка бўлиши тайин. Сабаби – чигит қадалган мавжуд 1130 гектар ернинг тўртдан бир қисмида ғўза сийрак кўкарган. Яна бир қисмида ягана чала-чулпа ўтказилгани туфайли ниҳол ғовлаб кетган, кўсаги кам. Учинчи қисмида ғўзани чилпиш ишлари эътибордан четда қолган эмасми, ҳосил йўқ ҳисоби. Тўртинчи қисми эса, ишонасизми-йўқми, ўта ола-була манзара касб этган: бир даланинг ўзида, жумладан, 0,2-0,3 гектар ерда пахта, 0,2,-0,3 гектар ерда қовун, 0,2-0,3 гектар ерда кунгабоқар, 0,2-0,3 гектар ерда оқ жўхори етиляпти. Бу «антиқа тажриба» сирини сўрасангиз, ширкат хўжалиги раиси М.Йўлдошев ҳам, бошқа мутасаддилар ҳам ер чизишдан нарига ўтолмайдилар.

Энди ўзингиз айтинг: аҳвол шу даражада ачинарли бўлгач, пахта йиғим-теримида суръатнинг ўсишини кутиш мумкинми? Асло! Буни пахта йиғим-териминнинг бориши ҳақидаги маълумотнома ҳам исботлаб турибди. Шу йилнинг 7 октябрь куни бор-йўғи 10 тонна пахта терилган. Бу — режага нисбатан 0,43 фоиз. Мавсум давомида эса 249 тонна, яъни 10,82 фоиз пахта сотилганини қандай баҳоласа бўлади? Агар жамоа жорий йилда жами 2302 тонна «оқ олтин» етиштириши назарда тутилса, айни шу суръат билан қачон марра забт этилади?

Эҳтимол, сиз «Чорвачиликда балки иш яхшидир», деб сўрарсиз? Йилнинг биринчи ярмида ҳар бош сигирдан кунига 1,5 литрдан сут соғиб олинган. Ҳар 100 бош сигирга эса 16 бошдан бузоқ тўғри келган.

«Даромадга яраша буромад», дейдилар. Хўжаликда даромад дегани йил сайин пасайиб кетаётгани натижасида қишлоқ инфратузилмасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермаяпти. Мисол учун, ҳалигача мавжуд 913 хонадоннинг бирортаси табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган. Шифохона йўқ. 37-мактабнинг янги биноси қурилиши эса деярли 10 йилдан буён «туя гўшти» еб ётибди.

Яқинда Беруний туманида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг сайёр йиғилишида «Бийбозор» ширкат хўжалигида йўл қўйилган яна бир кўзбўямачиликнинг сири очилиб қолди.

Раис М.Йўлдошев, бош агроном Қ.Раметов, ер тузувчи мутахассис /аслида қишлоқ хўжалигини механизациялаш ихтисослигига эга/ Ҳ.Матчонов шайтон васвасасига учиб, 17 гектар ерга чигит, 20 гектар майдонга маккажўхори экилмаса-да, буни жимжимадор қилиб ҳисоботга қўшиб юборишган. Яна улар кўзларини чирт юмиб, 96 гектар ерга экилган оқ жўхори, 26 гектардаги кунгабоқар, 20 гектардаги шолини ҳисоботдан яшириб келишган.

Бир гектар ер қанча сўм даромад беради? Бу қўшимча ва яширилган маблағлардан олинган даромад кимнинг ҳамёнига тушади? Юқорида айтганимиздек, ҳалигача миллионлаб сўм иш ҳақини ололмаётган «Бийбозор» ширкатчилари бу саволга жавоб кутмоқдалар!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

